

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSC. 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ГАППАРОВ ФУРҚАТ АХМАТОВИЧ**

**СУВ ОМБОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГИДРАВЛИК ВА  
ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (Doctor of Science)**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Гаппаров Фурқат Ахматович**

**Сув омборларидан фойдаланишнинг гидравлик ва  
гидрологик режимини такомиллаштириш.....**

3

**Гаппаров Фурқат Ахматович**

**Совершенствование гидравлических и гидрологических  
режимов водохранилищ при эксплуатации .....**

29

**Gapparov Furkat Axmatovich**

**Improving hydraulic and hydrologic regimes of water reservoirs  
exploitation**

55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**References.....**

59

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

---

**DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ГАППАРОВ ФУРҚАТ АХМАТОВИЧ**

**СУВ ОМБОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГИДРАВЛИК ВА  
ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/T317 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Иррагация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (resume)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим тармоғига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Арифжанов Айбек Мухамеджанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Файзиев Хамидхон**  
техника фанлари доктори, профессор

**Хужаев Исматилла Кушаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Жонқобилов Улуғмурод Умбарович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти хузуридаги **DSC.03/30.12.2019.T.10.02** рақамли илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_» 2020 й. соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Кори-Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-22-09; факс: 237-54-79; e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Кори-Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Султанов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.А.Янгиев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., профессор

**Д.Р.Базаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда дарёлар оқимини сув омборлари ёрдамида ростлаш мавжуд сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан, мавжуд сув омборларидан ишончли ва самарали фойдаланиш, энг мақбул иш режимларини илмий асослаш, вегетация даврида истеъмолчиларни бир маромда сув билан таъминлаш, эксплуатация даврида йўқотилган фойдали ҳажмни оширишни такомиллашган усулларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан АҚШ, Австралия, Нидерландия, Дания, Австрия, Буюк Британия, Германия, Хитой, Миср, Россия, Канада, Ўзбекистон ва бошқа ривожланган мамлакатларда сув омборларини лойқа-чўкиндиларга тўлиш жадаллигини камайтириш ва фойдали ҳажмини оширишнинг конструктив ечимларини берувчи математик моделлаштириш ҳамда гео-ахборот технологияларига асосланган энг мақбул иш режимини ишлаб чиқиш ва уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда сув омборларидан фойдаланишда самарали иш режимини ишлаб чиқиш ва дарё ҳавзасига антропоген босимни камайтириш усулларининг ишончли ва инновацион технологияларини ишлаб чиқишига йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, сув омборларидан ишончли ва самарали фойдаланишда сув омборларини гидравлик ва гидрологик режимини такомиллаштиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, сув омборларидаги ҳисобий тўлқин баландлигини, сув баланси элементларини ҳисобга олган ҳолда сув омборлари фойдали ҳажми камайишини аниқлаш ва фойдали ҳажмини ошириш долзарб мuaаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирда республикамиизда сув омборларини барпо этиш, иншоотлар самарадорлигини ва хизмат муддатларини ошириш ҳамда уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлаш, самарали тўлдириш ва бўшатишни амалга ошириш, қирғоқлар шаклланиш ҳолатларини оддини олиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда такомиллаштириш имкониятларини берувчи мавжуд гидравлик ҳисоблашларнинг янги усулларини яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш”<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан сув омборларининг дарё

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони.

сувлилигини ва эксплуатация даврида сифими ўзгаришини, ростланган оқим таъсирида дарё гидрологик режими ўзгаришининг сув олиш иншоотларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда бошқаришнинг илмий асосланган самарадор усулларини, уларни ҳисоблашнинг илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий асослари ва усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралядаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Фармони, 2018 йил 17 апрелидаги ПФ-5418-сон “Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 25 сентябридаги ПҚ-3286-сон “Сув обьектларини мухофаза қилиш тизимини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 27 ноябридаги ПҚ-3405-сон “2018-2019 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригацияни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотниң республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф мухитни мухофаза қилиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шархи<sup>2</sup>.** Хозирги кунда сув омборларидан самарали ва хавфсиз фойдаланишда сув омборлари гидравлик ва гидрологик режимини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан Шимолий Каролина давлат университети қошидаги Сув ресурслари тадқиқоти институти, Юта давлат университетининг Техник маркази, US Bureau of Reclamation (АҚШ), Вена давлат университетининг География ва регионал тадқиқотлар департаменти (Австрия), Берн университети қошидаги География институти (Швейцария), Вагиненген Университети (Голландия), University of Southampton (Буюк Британия), Киота Университети қошидаги Хавфнинг олдини олиш илмий-тадқиқот институти (Япония), Илмий тадқиқот учун Швеция миллий фонди (SNSF), Япония сув агентлиги, Ганновер Университети (Германия), Давлат гидрология институти ва Сув муаммолари институти (Россия), Тоҷикистон Сув муаммолари институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти,

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи

<https://www.researchgate.net/publication>; <http://www.enr.colostate.edu/>; Kantoush S.A., et all. Impacts of sediment replenishment below dams on flow and bed morphology of river. CZMRD LLC – 2010, P.285-303; <https://link.springer.com/article/>; <https://www.usa.gov/federal-agencies/bureau-of-reclamation>; <https://scienceproblems.ru/>; <https://www.springer.com/gp> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтлари (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дарё оқимини бошқариш, дарёдан сув олиш, ўзан деформацияси ва ўзанни ростлашни такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулларига доир жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қўйидаги натижалар олинган: дарё оқими ва каналлар мураккаб тизимидағи гидравлик режим ва оқизиклар транспорти моделлаштирилган, морфологик хариталар ишлаб чиқилган (DHI Water and Environment, Дания), сув омборини дарё гидрологик режимиning ўзгаришига таъсирини башорат қилиш усуллари ишлаб чиқилган (Колорадо университети, АҚШ), сув омборлари ва тўғонлар хавфсизлигини таъминлашнинг янги материалларга асосланган технологиялари ишлаб чиқилган (Женева давлат университети), тўғон ва дарё гиротехник иншоотларининг ўзан морфологиясининг шакллантириши моделлаштирилган (Вена университети, Австрия; HULL ва Southampton университети, Буюк Британия; Япония сув агентлиги), дарёлар оқимини рационал бошқариш концепцияси ишлаб чиқилган (Department of Geomatic Engineering, Kwame Nkrumah University of Science & Technology, Гана).

Дунёда дарё оқимини бошқариш ва унинг ўзанида, сув омборлари ҳавзасида юз берадиган жараёнларга антропоген таъсирини юмшатиш учун ишлаб чиқилган тадбирларни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли худудлардаги сув омборлари фойдали ҳажмининг ўзгаришини аниқлаш, сув омборларидағи гидравлик ва гидрологик жараёнларни баҳолаш, сув омбори шамол-тўлқин режими характеристикасини, гравитацион тўлқин параметрларини аниқлаш усулини такомиллаштириш, фойдали ҳажмини оширишни конструктив ечимларини ишлаб чиқиш, сув омборларидағи тўлдириш ва бўшатишни энг мақбул гидравлик ва гидрологик режимини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда сув омборларининг таъсир доирасини ўрганиш, уларнинг лойқа-чўкиндилар билан тўлиши, сув балансининг ҳисоблари ва сув йўқотиш муаммолари бўйича А.Б.Авакян, С.Т.Алтунин, М.А.Великанов, А.В.Караушев, А.Н.Гостунский, К.И.Россинский, И.А.Кузьмин, И.И.Леви, М.А.Мостков, И.А.Молдованов, Г.И.Шамов, И.А.Шнеер, В.Г.Саноян, В.С.Лапшенков, А.М.Мухамедов, К.Ш.Латипов, И.А.Бузунов, Ф.Ш.Мухамеджанов, Х.А.Исмагилов, В.А.Скрыльников, Э.Ж.Махмудов, А.М.Арифжанов, Ф.Хикматов, М.Р. Икрамова ва бошқа кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган ва ижобий натижалар олинган.

Сув омборлари шамол-тўлқин режими, шамол таъсирида ҳосил бўладиган тўлқин кўрсатгичлари ва уларни сув омборларидан фойдаланишдаги таъсири муаммолари Л.Е. Анапольская, Б.И. Белесков, М.Р. Бакиев, М.С.Кожевникова, А.Кандаков, А.К. Митропольский, Е.Я.Фроликова, И.В. Осадчая, В.В. Перепелкина, В.А. Скрыльников, А.Х. Содиков ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган ва шамол

таъсирида ҳосил бўладиган тўлқин параметрларини аниқлаш бўйича турли хил эмпирик боғланишлар олинган.

Сув омборлари иш режимини такомиллаштириш масалалари А.Б. Авакян, А.Е. Асарин, К.Н. Бестужева, А.М. Резниковский, В.П. Салтанкин, К.М.Беркович, В.Ф.Бреховских, А.В.Караушев, А.М.Мухамедов, О.А.Каюмов, А.Б.Китаев, Ю.М.Матарзин, Д.А.Никифорова, Я.Ф.Плешков, Ш.Р.Поздняков, Л.В.Потапова, М.Я.Прытков, А.Д.Саваренский, В.П. Салтанкин, С.Х.Таглави, В.А. Шарапов, Ю.Н.Шавнина, В.И.Штефан, К.К.Эдельштейн, D.W.Baker, B.P.Bledsoe, C.M.Albano, N.L.Poff, G.Williams, R. Poepll, S.A.Kantoush, Y.G.Lai, B.N.Eustis, D.S. van Maren, S.Heaven, T.Tanto, D.Rycroft ва қатор тадқиқотчиларнинг ишларида ёритиб берилган.

Ҳозирги вақтда республикамиздаги сув омборларини самарали иш режимини такомиллаштириш ва истеъмолчиларни ишончли сув таъминотини амалга оширишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиша замонавий янги информацион технологиялар асосида сонли ҳисоблаш усулларини қўллаш масалаларига етарли эътибор қаратилмаган. Шу сабабли сув омборларининг такомиллашган энг мақбул иш режимини ишлаб чиқиш ва ушбу режим асосида самарали тўлдириш ва бўшатишни амалга ошириш, йўқотилган фойдали ҳажмни оширишнинг конструктив ечимларини ишлаб чиқиш ва улар элементларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш каби муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасанинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (ИСМИТИ) илмий-тадқиқот ишлари режасининг 3/2007 сон “Трансчегаравий ва маҳаллий дарёлардан тўйинадиган сув омборларини самарали тўлдириш ва бўшатишдаги диспетчерлик графиги тузишга тавсиялар ишлаб чиқиш” (2007-2008), 12/2009 сон “Айнан кузатишлар асосида сув омбори эксплуатациясини такомиллаштиришга тавсиялар ишлаб чиқиш” (2009), 10/2010 сон “Сув омбори эксплуатациясининг янги таҳрирдаги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш” (Каттақўргон сув омбори мисолида)” (2010), 10/2010 сон “Жанубий Сурхон сув омборидан фойдаланишнинг янги таҳрирдаги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш” (2010), 4/2011 сон “Норин-Сирдарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли кичик ҳажмдаги сув омборларидан фойдаланишнинг янги таҳриридаги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш” (2011), 16/2011 сон “Аму-Қашқадарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли кичик ҳажмдаги сув омборларидан фойдаланишнинг янги таҳриридаги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш” (2011), 9/2012 сон “Тусунсой ва Коровултепа сув омборлари эксплуатациясининг янги таҳрирдаги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш” (2012), 8/2012 сон “Каркидон сув омбори эксплуатациясининг янги таҳрирдаги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш” (2012), 6/2013 сон “Андижон сув омборидан фойдаланишнинг янги таҳрирдаги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш” (2013), 3/2013 сон “Тошкент сув омборидан фойдаланишнинг янги

тахрирдаги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш” (2013), ҚХА-7-083-2009 сон “Мавсумий бошқарилувчи сув омборлари эксплуатацияси ишончлилигини экологик ва техник омилларни ҳисобга олган ҳолда ошириш” (2009-2011), ҚХА-7-024-2012 сон “Иrrигация сув омборларининг фойдали ҳажмини ва иншоотлари мустаҳкамлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш” (2012-2014) ва ҚХА-7-021-2015 сон “Узоқ вақт ишлатилаётган сув омборлари иншоотлари мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” (2015-2017) ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг “Иrrигация тизимлари, гидротехник иншоотлар ва сув омборлардан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш”, 1.15. “Мавсумий бошқарилувчи сув омборларининг фойдали ҳажмини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзуларидағи лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сув омборларидан фойдаланишнинг гидравлик ва гидрологик режимини, сув омборлари ҳисобий тўлқин баландлигини ва фойдали ҳажми ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олиб такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

сув омборлари худудида шамол-тўлқин режими тавсифларини табиий-дала кузатувлари асосида баҳолаш;

сув омборларидаги ҳисобий тўлқин баландлигини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш ва конструктив тўлқин қайтарувчи элементларини такомиллаштириш;

сув омбори сув баланси моделига асосланиб сув омборларининг фойдали ҳажми камайишини аниқлаш усулини такомиллаштириш;

сув омборлари фойдали ҳажмини конструктив ечимларини оқимнинг гидравлик ва гидрологик параметрларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш;

сув омборларини таъминловчи манбаларнинг ва сув омбори иш режимининг гидравлик ва гидрологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда сув омборларини энг мақбул тўлдириш ва бўшатиш усулини ишлаб чиқиш;

сув омборларидан самарали ва ишончли фойдаланишни таъминловчи гидравлик ва гидрологик режимини такомиллаштириш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объектлари** сифатида амалда фаолият юритаётган тоғ, тоғ олди ва текисликдаги сув омборлари олинган.

**Тадқиқот предмети** сув омборлари шамол-тўлқин режими, сув омборларини лойқа-чўкиндиларга тўлиши ҳамда сув омборларини тўлдириш ва бўшатишда фойдали ҳажмини ўзгариш жараёни ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида экспериментал ва дала-кузатувининг умумий қабул қилинган усуллари, математик ва гидравлик моделлаштириш ва уларни сонли ечиш усулларидан фойдаланилган.

## **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

тоғ, тоғолди ва текисликдаги сув омборлари худудида шамол-тўлқин режими тавсифлари кузатувлар асосида баҳоланган;

сув омборлари фойдали ҳажми ўзгаришини аниқлаш усули сув омборларидаги лойқа-чўқиндиларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

тоғ, тоғолди ва текисликдаги сув омборлари худудидаги метеорологик ўзгаришларни инобатга олиб гравитацион тўлқин баландлигини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

сув омборини фойдали ҳажмини оширишга эришишда гидравлик жараёнларни инобатга олган ҳолда шамол-тўлқин зарбини камайтирувчи янги парапет конструкцияси тавсия этилган ва ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

сув омборларидан самарали фойдаланишда тўлдириш ва бўшатиш режимини ҳисоблаш усули сув таъминоти режимини инобатга олиб такомиллаштирилган;

сув омборларида сув баланси элементларини инобатга олиб, энг мақбул гидравлик ва гидрологик режимини таъминлашнинг ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган.

## **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

сув омборлари худудида шамол-тўлқин режими элементларини ҳисоблашнинг компьютер дастури ва сув омборларидаги ҳисобий тўлқин баландлигини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

сув омборлари сув баланси элементларини ҳисобга олган ҳолда фойдали ҳажми камайишини аниқлаш усули такомиллаштирилиб, сув омбори морфометрик элементлари аниқлаштирилган;

гидравлик ва гидрологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда сув омборларидан фойдаланиш даврида йўқотилган фойдали ҳажмни ошириш учун парапетнинг янги конструкциясини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

сув омборларидаги гидравлик ва гидрологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда сув омборларини энг мақбул тўлдириш ва бўшатиш усули ишлаб чиқилган;

сув омборларидаги гидравлик ва гидрологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда сув омборларини энг мақбул тўлдириш ва бўшатиш усулини ҳисоблашнинг компьютер дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишида умум қабул қилинган физик қонунлар ва синовдан ўтган математик усулларга асосланганлиги, олинган назарий натижаларни амалда ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан солиширилганлиги ҳамда бошқа олимлар томонидан олинган маълумотлар билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув омборларининг энг мақбул гидравлик ва гидрологик режимини сув омбори фойдали ҳажмини ўзгаришларини

ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилганлиги, сув омборларини тўлдириш ва бўшатиш режимини сув исътемолини инобатга олиб ишлаб чиқилгани ҳамда сув омборларидағи ҳисобий тўлқин баландлигини аниқлаш усулини такомиллаштирилганлиги ва гравитацион тўлқин таъсирини камайтирувчи иншоотнинг янги конструкциясини параметрларини асосланганлиги ва ҳисоблаш усулини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув омборларини тўлдириш ва бўшатиш режимини ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқилганлиги, сув омборларида лойқаланиш жараёнини инобатга олиб фойдали ҳажмини ўзгаришини тезкор аниқлаш усулини такомиллаштирилганлиги, шамолтўлқини таъсирини баҳолаш асосида сув омборидан фойдаланиш ишончлилигини ҳамда гравитацион тўлқин зарбини камайтирувчи иншоот элементларини ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқилганлиги ҳамда сув омбор фойдали ҳажмини оширишга қаратилган парапетнинг конструктив параметрларини аниқланганлиги сув омборидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сув омборларидағи гидравлик ва гидрологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда сув омборларини энг мақбул тўлдириш ва бўшатиш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

сув омборлари худудида шамолтўлқин режими элементларини ҳисоблашнинг компьютер дастури ва сув омборлари тўғони учун хавфли бўлган ҳисобий тўлқин баландлигини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Андижон, Тошкент, Талимарjon, Жиззах, Жанубий Сурхон ва Каттақўрғон сув омборлари эксплуатацияси бошқармалари томонидан Андижон, Тошкент, Талимарjon, Жиззах, Жанубий Сурхон ва Каттақўрғон сув омборларида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 декабридаги 02/25-4705-сон маълумотномаси). Натижада сув омборларидан фойдаланишда сув сатҳини кўтариш орқали захирадаги сув миқдорини 10-15 фоизгача қўпайтириш ҳамда сув омборидан хавфсиз фойдаланиш имкони яратилган;

сув омборида сув балансини ташкил этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда сув омборлари фойдали ҳажмини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан Лангар, Қизилсув, Қамаши, Қарабоғ, Нуғайли, Шўрабсой, Шўртан ва Дехқонобод сув омборларида, Намангандан вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан Жийдалисой, Варзик, Эскиер ва Кўксерексой сув омборларида, Тошкент вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан Тошкент сув омборларида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 декабридаги 02/25-4705-сон маълумотномаси). Натижада лойқачўкиндиларни миқдорини аниқ баҳолаш ва сув омбори фойдали ҳажмини ошириш имконияти яратилган;

сув омборини фойдали ҳажмини оширишга эришишда гидравлик жараёнларни инобатга олган ҳолда шамол-тўлқин зарбини камайтирувчи парапет янги конструкциясини ҳисоблаш усули Каттақўргон ва Жиззах сув омборларида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 декабридаги 02/25-4705-сон маълумотномаси). Таклиф қилинаётган парапетни ўрнатгач Каттақўргон сув омборининг фойдали ҳажми 39,75 млн. м<sup>3</sup> га, Жиззах сув омборининг фойдали ҳажмини 22,3 млн.м<sup>3</sup> га ошириш имконияти яратилган;

сув омборидан фойдаланишнинг гидравлик ва гидрологик режимини такомиллаштириш, сув омборини энг мақбул тўлдириш ва бўшатишни амалга ошириш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан Лангар, Қизилсув, Қамаши, Қарабоғ ва Дехқонбод сув омборларида, Намангандан Жийдалисой, Варзик, Эскиер ва Кўксерексой сув омборларида, Тошкент вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан Тошкент сув омборларида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 7 декабридаги 02/25-4705-сон маълумотномаси). Натижада сув омборлари эксплуатациян самарадорлигини ошириш ҳисобига 10-15 фоизгacha сув ресурсларини тежаш ва барча истеъмолчиларни ишончли равишда сув билан таъминлаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика ва институт миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, шу жумладан 8 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 47 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан 12 та мақола республика ва 7 та мақола хорижий журналларда нашр қилинган, 4 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 193 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмida Ўзбекистонда ва жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот обьекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти 12

ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг аprobацияси, чоп этилган натижалар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Сув омборларидан фойдаланишинг гидравлик ва гидрологик режими тадқиқотлари таҳлили” деб номланган биринчи бобида сув омборларнинг фойдали ҳажмини ўзгаришини аниқлашга бағишлиланган мавжуд назарий ва амалий тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Сув омборларида лойқа-чўқиндилар шаклланиши ва уларни ҳисоблаш усусларининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича С.Т.Алтунин, И.А.Бузунов, Ж.Брюне, М.А.Великанов, А.Н.Гостунский, А.В.Караушев, И.А.Кузьмин, К.И.Россинский, В.С.Лапшенков, И.И.Леви, А.М.Мухамедов, К.Ш.Латипов, Т.Тейлор, Г.И.Шамов, И.А.Шнеер, М.А.Мостков, И.А.Молдованов, Э.Ж.Махмудов, Ф.Ш.Мухамеджанов, Ф.Орт, В.Г.Саноян, В.А.Скрыльников, Х.А.Исмагилов, А.М.Арифжанов, М.Р.Икрамова ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий тадқиқот ишлари таҳлили келтирилган. Сув омборларидағи лойқа-чўқиндилар миқдорини аниқлашда уларнинг ўзига хослигини ҳисобга олувчи қатор усуслар ишлаб чиқилган. Биринчи гуруҳ усуслари амалда ўтказилган табиий дала тадқиқотларига асосланади, иккинчи гуруҳ усуслари сув омборларидағи лойқаланиш ҳажмини аниқлашда ундаги оқимларнинг транспорт қилиш қобилиятининг ҳисобий створлардаги фарқига асосланади, учинчи гуруҳ усусларида лойқаланиш ҳажми ўзан ва оқим характеристикарининг ўзгариб боришини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилидан учинчи гуруҳ усусларининг ижобий натижаларга эришилганлиги қайд этилган.

Сув омборларида шамол-тўлқин режими, шамол таъсирида ҳосил бўладиган тўлқин кўрсаткичларини аниқлаш усуслари ва уларнинг сув омборларидан фойдаланиш жараёнига таъсири муаммолари Л.Е. Анапольская, Б.И. Белесков, Л.С. Гандин, Е.Я.Фроликова, Н.В. Кондратьев, М.С. Кожевникова, А. Кандаков, А.К. Митропольский, В. Мунк, И.В. Осадчая, Г. Свердrup, М.Р. Бакиев, В.А. Скрыльников, В.В. Перепелкина, А.Х. Содиков каби кўплаб олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган.

Тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар шамол режими характеристикиси параметрларини, керакли таъминланганликдаги шамол тезлигини аниқлашга бағишлиланган бўлиб, улар сув омборлари худудида шамол режимининг ҳисобий характеристикасини аниқлашда муҳим асос бўлдилар. Бу хусусда Б. И. Белесков, М. С. Кожевникова, И. В. Осадчая, В.А. Скрыльников, А.Х. Содиков ишланмаларини давом эттириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан сув омборлари худудида ҳисобий шамол тезлигини аниқлашнинг аналитик ечими берилган бўлиб, шамол натижасида пайдо бўладиган тўлқинни ҳисоблашда шамолнинг таъсир этиш давомийлиги 6 соат деб қабул қилинган. Унда шамол тезлигидан бошқа параметрлари ҳисобга олинмаган. Тўлқин тарқалиши учун маълум вақт

үтиши, бундан ташқари тўлқиннинг тарқалиши сув омборининг ўлчамларига (узунлиги, чуқурлиги ва ҳ.к) ҳам бевосита боғлиқ.

Сув омборлари гидравлик ва гидрологик иш режимларини такомиллаштириш бўйича А.Б. Авакян, А.Е. Асарин, К.М. Беркович, К.Н. Бестужева, В.Ф. Бреховских, Г.В. Железняков, А.М. Резниковский, В.П. Салтанкин, Г.В. Ивашкевич, А.В. Карапашев, О.А. Каюмов, С.Н. Крицкий, Ю.М. Матарзин, М.Ф.Менкель, Д.А. Никифорова, Е.Е. Овчаров, Я.Ф. Плешков, Ш.Р. Поздняков, Л.В. Потапова, М.Я. Прыйтов, А.Д. Саваренский, В.П. Салтанкин, В.А. Скрыльников, М.Р. Икрамова, С.Х. Таглави, В.А. Шарапов, Ю.Н. Шавнина, В.И. Штефан, К.К. Эдельштейн, D.W. Baker, B.P. Bledsoe, C.M. Albano, N.L. Poff, G. Williams, R. Poepll, S.A. Kantoush, Y.G. Lai, B.N. Eustis, D.S. van Maren, S. Heaven, T.Tanton и D. Rycroft каби олимлар тадқиқотлар олиб борган.

Сув омборлари иш режимларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланишларда дарё оқимини ростлаш учун дарё оқими режими, оқим ўзгарувчанлигини ва сув омбори ҳажми ўртасида функционал боғланишларни таклиф этган. Улар таклиф этган илмий натижалардан тадқиқотчилар оқим ҳажмини ростлаш ҳисобларининг статистик усуллари назарияларини ишлаб чиқишида фойдаланишган.

Г.В. Ивашкевич, А.С. Латкин ва В.А. Швецовларнинг олиб борган тадқиқотларида сув омборлари иш режимларининг ҳисоблари ҳар хил сувлилик даврларидаги оқимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини, бошқаришнинг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишга боғишиланган. Сув омборларидан фойдаланишни самарадорлигига гидрологик параметрларни ўзгаришини таъсири, жумладан ростлаш жараёнларига тошқин ва тўлинсув даврлари мисолида кўриб чиқилган. Натижада сув омборлари хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда амалиётда бошқаришни тартиб-қоидалари диспетчерлик графиги кўринишида амалга оширилиши таклиф этилган.

Юқорида келтирилган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, сув омборлари иш режими назарий асослаш, амалда фаолият юритаётган республикамизнинг турли худудларида жойлашган ўзига хос сув ҳавзалари, яъни ўзанли, қуйилма сув омборларида бу йўналишда яна тадқиқотлар ўтказишни талаб қиласди. Сув омборларидан фойдаланишнинг гидравлик ва гидрологик режимларини такомиллаштириш, таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзгаришларида содир бўладиган жараёнлар ҳамда уларни замонавий информацион технологиялар ёрдамида ҳисоблаш масалалари мажмуя ҳолида етарли ўрганилмаган. Олиб борилган таҳлиллар асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг “Сув омборларидан самарали фойдалинишнинг назарий ва амалий асослари” деб номланган иккинчи боби турли худудлардаги сув омборлари фойдали ҳажмининг камайиб бориши, сув омборлари косасининг параметрларининг шаклланиши ва фойдали ҳажми ўзгаришини лойқа-чўқиндиларни ҳисобга олган ҳолда аниқлашга бағишиланган.

Сув омборлари фойдали ҳажмининг ўзгаришида лойқаланиш жараёнларининг таъсирига алоҳида эътибор қаратилган. Лойқаланиш ҳажмини аниқлашда сув омборининг асосий параметрлари сув ҳажми ва сув сатҳининг ўзгаришини инобатга олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бу йўналишда И.А.Шнеер, А.В.Караушев, В.С.Лапшенков, К.Ш.Латипов, В.А.Скрыльников ва бошқалар олиб борган изланишларни ривожлантириб, лойқалик миқдорининг сув омборида тақсимланишини баҳолаш учун кинетик энергиянинг ўзгариши ҳақидаги теоремадан фойдаланиб, лойқалик миқдорини сув омборида тақсимотини ифодалаш қўйидагича ёзилган:

$$\frac{s_i}{s_o} = \left( \frac{\omega_i}{\omega_o} \right)^{n_1} \exp \left\{ - \frac{3g(\rho_t - \rho)}{\rho_t Q^2} \int_0^l \sin \alpha \omega^2 dl \right\} \quad (1)$$

бу ерда:

$\rho_t$  ва  $\rho$  – мос равишда қаттиқ заррачалар ва суюқлик зичлиги;

$Q$  – сув сарфи.

У ҳолда, лойқа оқизиқлар сарфи қўйидаги формула билан аниқланади:

$$P_i = s_i Q . \quad (2)$$

Лойқа оқизиқлар ҳажми эса қўйидагича аниқланади:

$$V_i = s_i Qt . \quad (3)$$

Қаралаётган кесимдаги оқим юзасини  $\omega_i$  чуқурлик функцияси сифатида қабул қилиб:

$$\omega_i = f(H_i) ; \quad (4)$$

Лойқалик ҳажмини ўзгариши учун (2) ва (3), (4) ларни (1) га қўйиб, қўйидаги ифода олинган:

$$\frac{V_i}{V_{MDC}} = \kappa \left( \frac{H_i}{H_{MDC}} \right)^{n_1} ; \quad (5)$$


бу ерда:

$V_i$  ва  $V_{MDC}$  - сув омборлари тубидан  $H$  чуқурликгача ва меъёрий димланган сатҳгача тўпланган чўкиндилар ҳажми;

$\kappa$  ва  $n_1$  – коэффициентлар, табиий дала шароитидаги тадқиқотлар асосида аниқланган.

Олиб борилган табиий дала шароитидаги тадқиқотларда тўпланган маълумотларнинг математик статистика услублари асосида таҳлили натижасида (корреляция коэффициенти 0,95) сув омборидаги нисбий лойқаланиш ҳажмини нисбий чуқурлигига боғлиқлигини ифодалайдиган қўйидаги ифода олинган (1-расм):

$$\frac{\Delta V_H}{\Delta V_{MDC}} = 0,95 \left( \frac{H}{H_{MDC}} \right)^{1,26} \quad (6)$$



**1-расм. Сув омбори нисбий лойқаланиш ҳажмини нисбий чукӯрликка боғлиқлик графиги**


Чимқўрғон, Тошкент, Жанубий Сурхон ва бошқа бир қатор сув омборлари фойдали ҳажми камайишининг ҳисбий катталигини ва сув омбори ҳавзасида олиб борилган кузатувлари натижасида олинган маълумотларни солиштириш шуни кўрсатадики, таклиф этилган усул ишончли натижаларни беради.

Исталган йил учун (6) ифодадан фойдаланиб сув омбори ҳажмини ўзгаришини ундаги сув сатҳига боғлаб қуидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин (2-расм):

$$V = V_{лои} - \Delta V_{MDC} \left( \frac{\Delta V}{\Delta V_{MDC}} \right) \quad (7)$$


бу ерда:  $V_{лои}$  - лойиҳавий эгри чизиги бўйича аниқланган сув омбори ҳажми.

Чимқўрғон сув омбори ҳажмининг турли йиллар кесимида ўзгариши 2- расмда келтирилган.



**2-расм. Турли йиллар учун Чимқўрғон сув омбори ҳажмининг сув сатҳига боғлиқлик графиги**

Юқорида олиб борилган кузатув ва ҳисоблаш ишлари натижалари асосида сув омборининг умумий ҳолати, эксплуатация даврида ҳажм ва сатҳ ўзгаришлари геоахборот тизими асосида шакллантирилди (3-расм). Бу дастур хариталаштирилган маълумотларни таҳлил қилиш, қўшимча маълумотлар базасига мурожат қилиш ва уларни харитага жойлаштириш имконини берган. Иш натижаларини яратилган дастур орқали осон тақдим қилиш сув омборлари ҳавзасининг сифатли харитасини босмадан чиқариш ёки диаграммалар, жадваллар, чизма, расм ва суратларни бошқа файллар билан боғлаш имконини берган.




**3-расм. Сув омбори сув сатҳи ўзгаришини ГАТ асосида баҳолаш**

Диссертациянинг “Сув омборларидаги гравитацион тўлқин параметрлари тадқиқоти” деб номланган учинчи бобида табиий дала шароитида сув омборларида шамол-тўлқин режими, шамол таъсирида ҳосил бўладиган тўлқин кўрсаткичларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар Андижон, Хисорак, Талимаржон, Каттақўргон сув омборларида олиб борилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида сув омборларида шамол-тўлқин режимини баҳолашда сув омборида бевосита кузатувлар олиб борилмагандага яқин орадаги метеостанцияларда кузатилган маълумотлардан фойдаланиш йўллари шамол ҳаракатига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Сув омбори билан метеостанциядаги шамол тезликларининг ўртасидаги корреляцион боғланишнинг қийматини текшириб, корреляцион коэффициент сув омборида ва метеостанцияда бир вақтда кузатилган шамол тезликлари бўйича ҳисобланиши асосланди.

Тадқиқотлар таҳлили бўйича (4-расм) овалнинг узунлиги кузатувлар сони билан бевосита боғлиқ бўлиб, овал қанчалик узун бўлса, шунчалик қўп кузатувлар олиб борилганлигини, пунктир чизик билан чегараланган овал кузатишлар бир йил давомида олиб борилганлигини билдиради, қалин чизик - 50 йил давомида мумкин бўлган кузатишлардир. Шундай қилиб, горизонтал ўқда метеостанциядаги ўртacha ойлик шамол тезлиги қийматини топиб бир вақтнинг ўзида регрессия чизигининг ординатасини аниқланади. Шу билан бирга ўша ординатага мос равишда сув омборида кузатилган шамол тезлигининг ўртacha арифметик қиймати аниқланган. Бу қиймат сув омборидаги шамол тезлигининг ўртacha ойлик қийматини акс эттиради. Агар

хисобий шамол тезлигини топиш керак бўлса, унда графикнинг 2-чизигидан, яъни шамолнинг хисобий тезликларини бирлаштирган овал чизикдан фойдаланилади.



**4-расм. Метеостанция, сув омборида кузатилган ва ҳисобий шамол тезликлари орасидаги боғлиқлик графиги**

Сув омборида кузатувлар олиб борилмаган ҳолларда ундаги шамолнинг ҳисобий тезлигини, таъминланганлигини ва бошқа параметрларини аниқлашда юқорида келтирилган тавсияларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим. Шамолнинг ҳисобий тезлигини аниқлашда нафақат шамол тезлигининг абсолют қиймати, балким шамолнинг давомийлигини ҳам албатта инобатга олиш талаб этилади, чунки ҳар бир сув омборидаги ҳисобий вақтда шамолнинг камроқ узлуксиз давомийлигига унинг кўпроқ қиймати тўғри келади. Одатда сув омборларида шамолнинг ҳисобий тезлигининг давомийлигини 6 соатга тенг деб олиш тавсия этилади. Амалиётда шамол ҳисобий тезлигининг давомийлиги сув омборининг ўлчамига (тўлқиннинг тарқалиш узунлиги, сув омборининг чуқурлигига) боғлиқ. Албатта шамол ҳисобий тезлигининг давомийлиги тўлқин харакатининг тўлқин бошланган қирғоқдан то тўлқин сўнган қирғоқча бўлган масофани босиб ўтган вақтига (масалан, тўғон учун хавфли шамол – сув омборининг бўйламаси бўйлаб тўғонга қараб йўналган шамолнинг то тўғонгача бўлган масофани босиб ўтишига сарфланган харакатлиниш вақтига) тенг бўлиши назарда тутилган.

Шамол натижасида пайдо бўладиган тўлқинлар гравитацион тўлқинлар тоифасига мансублигини инобатга олиб  $h$  тўлқин баландлигини ( $g = 9,81 \text{ м/с}^2$ ) эркин тушиш тезланишига,  $Z$  тўлқиннинг тарқалиш узунлигига ва  $V_W$  шамол тезлигига боғлиқ ҳолда аниқланади:

$$h = f(g, Z, V_W).$$

Ўлчов бирликлар назариясидан фойдаланиб, юқоридаги катталиклар орасидаги боғланишни қуидагича ёзамиз:

$$\frac{h}{Z} - A \frac{V_W}{\sqrt{gZ}} = 0. \quad (8)$$

Натижада коэффициентларни аниқлаб түлкін тезлиги учун қуидаги ифодани ёзиш мүмкін:

$$V = A \sqrt{V_w} Z^{0.25}. \quad (9)$$

Түлкіннинг ҳаракатланиш вақти:

$$t_s = \int_0^Z \frac{dZ}{V} = \frac{1}{0,105} \sqrt{V_w} \int_0^Z Z^{-0.25} dZ = \frac{12,7}{\sqrt{V_w}} Z^{0.75} = 0,004 \frac{Z^{0.75}}{\sqrt{V_w}} \quad (10)$$


Түлкін баландлигини аниқлаш учун қуидаги ифода таклиф этилган:

$$h_{1\%} = 0,0027 V_w \sqrt{\frac{Z}{g}} \quad (11)$$

Сув омборлари түғонига хавфли йұналишда ҳосил бўладиган түлкіннинг ҳисобий баландлигини аниқлашда ҳар бир сув омбори түғони учун хавфли бўлган йұналиш бўйича (шамолнинг ҳисобий тезлиги, түлкіннинг тарқалиш узунлиги, сув омбори чуқурлиги ва х.к.) тўғри келадиган кўрсаткичлар аниқлангандан сўнг түлкіннинг ҳисобий баландлиги аниқланади. Тўлқин кўрсаткичига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда топилган тўлқин катталиги сув омборларини лойиҳалашда ва ҳозирги кунда эксплуатация қилиниб келаётган сув омборларининг гидротехник иншоотларининг мустаҳкамлигини аниқ баҳолаш учун хизмат қиласи.


Сув омборларида лойқа-чўкинди ва шамол-тўлқин режимлари натижаларига кўра сув омборлари фойдали ҳажмини оширишда парапетнинг такомиллашган конструкцияси ва уни ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

Парапет мураккаб бўлмаган гидротехник иншоот бўлиб, у сув омборлардаги сув сатхининг хавфсиз кўтарилишига имкон беради ва бунинг натижасида сув омборларида қўшимча сув йифиб боришга имконият яратилади (5-расм). Бунинг учун парапетнинг конструктив параметрларини аниқ ҳисобини бажариш иншоотда авария ҳолатини олдини олишга хизмат қиласи.



5-расм. Парапетнинг ўрнатилиш схемаси

Цилиндрик ишчи юзали парапетнинг конструкцияси босимли қияликка уринма йўналиши бўйлаб ўрнатилади ва тўлқин урилиши натижасида тушадиган оғирликни текис таҳсимлайди. У қирғоққа урилувчи тўлқин йўналишини ўзгартирибгина қолмай, сув оқими таъсирини бир неча баробар пасайтириб, сувни юқори қисмга сочилишининг олдини олади (6-расм).



**6-расм. Парапетнинг конструкцияси схемаси**

Парапетга таъсир этувчи куч моменти қирғоққа урилувчи тўлқинларнинг қурилманинг цилиндрик юзаси бўйлаб ҳаракатидан ҳосил бўладиган марказдан қочма куч билан ифодаланади. Сувнинг ҳаракати давомида ҳосил бўладиган юклама қиймати марказдан қочма кучлар билан ифодаланади.

Тўғоннинг устки қисмига парапет ўрнатилганда тўлқин тўғон қиялигидан юқори қисми цилиндр шаклидаги парапетга ўтади. Парапет юқори қисмидаги сув қатламишининг қалинлигини аниқлашда парапет юқори қисмининг бирламчи баландлиги шартли равишда ёрдамчи қияликнинг юқори қисмiga teng қилиб олинади.  $\bar{\varphi}$  бурчак синуси қияликнинг горизонтга нисбати билан аниқланади (6-расм):

$$\sin \bar{\varphi} = \frac{R + R \cos \varphi}{(\pi - \varphi) R} = \frac{1 + \cos \varphi}{\pi - \varphi} \quad (12)$$

Агар уринма тўлқин ҳаракати босимли қиялик бўйлаб тўғон устидан юқорига давом этса, келтирилган қиялик бўйича уринма тўлқин ҳажми ўз ҳолатида қолади ва келтирилган тўлқин баландлиги қуйидагича аниқланади:

$$\frac{\delta_{run} + \delta_x}{2} \frac{h_0}{\sin \varphi} + \frac{\delta_x}{2} \frac{\bar{h}_{run} - h_0}{\sin \bar{\varphi}} = \frac{\delta_{run}}{2} \frac{h_{run}}{\sin \varphi}. \quad (13)$$

бу ерда:  $\delta_x$  - С нуқтадаги сув қатламишининг қалинлиги;

$\delta_{run}$  – босимли қиялик ва унинг давомийлиги бўйича меъёрий димланиш сатҳи(МДС)даги тўлқин баландлиги  $h_{run}$  энг катта бўлган қийматидаги сув қатламишининг қалинлиги.

$$h_{run} = \frac{\delta_{run}(h_{run} \sin \varphi - h_0 \sin \varphi)}{\delta_x \sin \varphi} + h_0 \left(1 - \frac{\sin \varphi}{\sin \bar{\varphi}}\right).$$

бу ерда:  $\delta_x = \delta_{run} \left(1 - \frac{h_0}{h_{run}}\right)$  ҳисобга олинса,

$$h_{run} = h_0 + (h_{run} - h_0) \frac{\sin \bar{\varphi}}{\sin \varphi}. \quad (14)$$

Уринма түлқин ҳажми босимли қияликдаги уринма түлқин ҳажмини  $h_0$  баландликкача ва юқори қисмининг шакли цилиндр юзали парапетта алмашиниб келтирилган қияликдаги ҳажмлардан иборат.

Ҳажм тўғоннинг босимли қиялигига трапеция, келтирилган қияликда учбурчак майдонидан аниқланади. Ҳисоблар парапетнинг 1 метр узунликдаги кесимида ўтказилади.

$$\frac{\delta_0 + \delta_x}{2} \frac{h_0}{\sin \varphi} + \frac{\delta_x}{2} \frac{h_x}{\sin \varphi} = \frac{\delta_{run}}{2} \frac{h_{run}}{\sin \varphi} \quad (15)$$

ёки  $(\delta_0 + \delta_x)l_0 + \delta_x l_x = \delta_{run} l_{run},$

$$\delta_0 = \delta_x \left(1 + \frac{l_0}{l_x}\right) \text{ ҳисобга олинса,}$$

$$\delta_x \left(2 + \frac{l_0}{l_x}\right) l_0 + \delta_x l_x = \delta_{run} l_{run}$$

Босимли ва келтирилган қияликлардаги түлқин баландлигини  $h_0 + h_x$  эътиборга олиб, сув қатламишининг  $\delta_x$  қалинлиги қуидагича аниқланади:

$$\delta_x = \frac{\delta_{run} l_{run} l_x}{(l_0 + l_x)^2}. \quad (16)$$

бу ерда:  $l_0 = \frac{h_0}{\sin \varphi}$  - МДС сатхидан парапетгача бўлган қиялик узунлиги;

$l_x = \frac{h_x}{\sin \varphi}$  ва  $l_{run} = \frac{h_{run}}{\sin \varphi}$  – тўғоннинг босимли қияликларида ва келтирилган қияликдаги уринма түлқин узунлиги.

Парапетга уринма түлқин таъсиридаги элементар кучнинг ағдарувчи моменти қуидагига teng (парапетнинг 1 метр узунликдаги кесими учун):

$$dM = \frac{dm v_x^2}{R} ((h_\infty + a) \sin(\alpha + \varphi) - (b - l_\infty) \cos(\alpha + \varphi)). \quad (17)$$

бу ерда:  $dm = \rho \delta R d\alpha$  – сув элементар массаси.

Сув қатлами қалинлиги  $\delta$  ни қуидаги боғланиш орқали топамиз:

$$\delta = \frac{\delta_x}{h_x} (h_x - h_0 - h_\alpha). \quad (18)$$

бу ерда:  $\delta_x$  - МДС даги қияликга уринма түлқиннинг  $h_x$  сув қатлами қалинлиги.

Сув қатлами қалинлиги  $\delta_x = \frac{\delta_{чип} \bar{h}_{чип}}{h_x}$  teng.

бу ерда:  $\bar{h}_{чип} = h_0 + (h_{чип} - h_0) \frac{1 + \cos \varphi}{(\pi - \varphi) \sin \varphi}$  келтирилган уринма түлқин

бу ерда:  $\delta_{\text{чип}}$  ва  $h_{\text{чип}}$  - сув қатлами қалинлиги ва қияликга уринма тўлқиннинг максимал қиймати.

Сув қатлами қалинлиги  $\delta_{r\text{ип}}$  қуйидаги боғланиш орқали аниқланади:

$$\delta_{r\text{ип}} = \frac{0,1\rho_a \bar{h}_{r\text{ип}} \sqrt{1+ctg^2\varphi}}{\rho g [(\bar{h}_{r\text{ип}} + z_2) \sqrt{1+ctg^2\varphi} - 0,0325L_\alpha]}. \quad (19)$$

$h_\alpha$  ва  $l_\alpha$  кесимлар қуйидаги боғланишлар орқали аниқланади:

$$h_\alpha = R[\cos\varphi - \cos(\alpha + \varphi)]; \quad l_\alpha = R[\sin(\alpha + \varphi) - \sin\varphi]$$

Энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланиб,  $v_x^2$  ни қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$v_x^2 = \frac{2}{3}g\bar{h}_{r\text{ип}} - \frac{2}{3}gh_x = \frac{2}{3}g(h_{r\text{ип}} - h_x). \quad (20)$$

Ағдарилмаслик моментини аниқлаш учун (17) ифодани интеграллаб, парапетнинг ҳар бир узунлик бирлигидаги юкламаси учун ( $h_x \leq h_o + R(1 + \cos\varphi)$  шарт ўринли бўлса) қуйидагича аниқланади (0 дан  $\alpha$  оралиғида):

$$\begin{aligned} M = \frac{1}{3}g\rho\delta_{\text{чип}}\bar{h}_{\text{чип}} & \left( \frac{\bar{h}_{\text{чип}}}{h_x^2} - \frac{1}{h_x} \right) \left\{ \frac{(h_x - h_o)^3}{R} + \left( \frac{a}{R} - \cos\varphi \right) (h_x - h_o)^2 \right. \\ & + \left[ \frac{l_\alpha^2}{R} - \frac{bl_\alpha}{R} + (l_\alpha + b + R\sin\varphi)\sin\varphi \right] (h_x - h_o) \\ & \left. + l_\alpha(b + R\sin\varphi)\cos\varphi - Ra(b + R\sin\varphi) \right\}. \end{aligned} \quad (21)$$

Агар  $h_x \geq h_o + R(1 + \cos\varphi)$  шарт ўринли бўлса, қуйидагича аниқланади (0 дан  $\pi - \varphi$  оралиғида);

$$M = \frac{1}{3}g\rho\delta_{\text{чип}}\bar{h}_{\text{чип}} \left( \frac{\bar{h}_{\text{чип}}}{h_x^2} - \frac{1}{h_x} \right) [C(h_x - h_o) - D]. \quad (22)$$

бу ерда:  $C=2 [(a + R)(1 + \cos\varphi) + b\sin\varphi];$

$$D = R[2R\cos\varphi(1 + \cos\varphi) + a(1 + \cos\varphi)^2 + b\sin\varphi\cos\varphi + (b + R\sin\varphi)(\pi - \varphi)].$$

Қиялиқдаги ва парапетдаги уринма тўлқиннинг момент  $M$  кўрсаткичи қуйидагича ўзгаради:

агар  $h_x \leq h_o$  бўлса, у ҳолда  $M=0$ , бунда парапетга сув таъсир этмаётган бўлади;

агар  $h_x \leq h_o \leq \bar{h}_{\text{чип}}$  бўлса, унда  $M$  нинг бошланғич қисми манфий, сўнгра ҳисобий катталиқ, уринма тўлқин тезлиги камайиши ҳисобига камайиб боради.

Агар  $h_x = \bar{h}_{\text{чип}}$ ,  $M=0$  га teng бўлса, уринма тўлқин нолга teng бўлади. Ҳисоблашда момент максимал қийматига teng деб қабул қилинади.

$h_x$  катталик ( $h_x \geq h_o + R(1 + \cos\varphi)$ ) ушбу шартда максимал катталик қуидаги  $\frac{dM}{dh_x} = 0$  ҳисобланади ва натижада қуидаги ифода олинган:

$$(h_x)_{\text{макс}} = \frac{2\bar{h}_{\text{чип}}(Ch_o + D)}{C(\bar{h}_{\text{чип}} + h_o) + D}. \quad (23)$$

Таклиф этилган парапетнинг афзалиги шундан иборатки, шамол таъсирида сочилаётган сувларни тўғон усти ва қуи босимсиз қияликларга ўтишининг олдини олади ҳамда сув омбори фойдали ҳажмини ошириш имкониятини яратади.

Диссертациянинг “Сув омборларидан самарали фойдаланишнинг иш режимини ишлаб чиқиши” деб номланган тўртинчи бобида сув омборлари сув балансига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ва сув омборларининг энг мақбул иш режимини ишлаб чиқишига доир тадқиқотлар натижалари келтирилган.

